O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ҚАЛБЛАРНИ КУВОНЧЛАРГА ТЎЛДИРИБ, МЕҲР-МУРУВВАТ УЛАШИБ, ҚИР- АДИРЛАР, БОҒУ РОҒЛАРНИ ЯШИЛ ЛИБОСГА БУРКАБ ЮРТИМИЗГА НАВРЎЗИ ОЛАМ КИРИБ КЕЛМОҚДА!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 20-mart • Seshanba • 34-35 (27.680) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан:

ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш;

кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва молмулкини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиш устидан қатъий назорат амалга оширилишини таъминласин.

2. 2007 йилнинг 1 сентябридан:

давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини 6 ойгача узайтирган ҳолда, 1,5 бараварга;

«Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, айни вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда, ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан;

(Давоми 2-бетда)

«РОВВОТ» ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Наврўз айёми арафасида Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида янги «Роввот» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли мазкур шифо маскани 10 минг 600 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бинобарин, бу ердаги замонавий асбоб-ускуналар роввотликлар саломатлигини муҳофазалаш ҳамда уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга хизмат қилади. Жумладан, кундузги стационар, стоматология болаларни эмлаш, таҳлилхона, муолажа, физиотерапия хоналари мавжуд.

Қишлоқ врачлик пунктида 2 нафар умумамалиёт шифокори ҳамда 10 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Улар қишлоқ аҳолисини ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар.

Суратларда: болалар шифокори Моҳидил Исоқова тиббий кўрик пайтида; қишлоқ врачлик пункти кўриниши.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Оқсаройда Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубишни қабул қилди

— Сиз билан узоқ вақтдан буён танишмиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон билан Словакия ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор.

Ўзбекистон — Словакия муносабатларининг сифат ва суръати икки мамлакатда ҳам юқори баҳоланади. Бу йил давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 14 йил тўлди. Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги, парламентлар, вазирлик ва идоралар даражасидаги учрашувлар йўлга қўйилган. Хусусан, 1997 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Словакияга, 2003 йилнинг март ойида Словакия Президенти Рудольф Шустернинг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтди. Бу саммитлар асносида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини 23 ҳужжат ташкил қилади. Улар орасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳаво транспорти алоқаси, сайёҳлик, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳкамалари ўртасида ҳамкорликка оид битим ва протоколларни келтириш мумкин.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик борасида томонлар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланяпти, деб бўлмайди. 2006 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 15 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Словакия сармояси иштирокида очилган ўнга яқин қўшма корхона ишлаб турибди. Улар фармацевтика, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизмат кўрсатиш, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш икки томонлама манфаат келтиради ва Ўзбекистон билан Словакия бу борада ҳамфикрдир. Айни пайтда турли йўналишларда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Айниқса, илмий доираларнинг алоқалари фаоллигини таъкидлаш мумкин.

2006 йилнинг июль ойидан Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритиб келаётган Ян Кубиш кўп йиллик дипломатик тажрибага эга. У қатор нуфузли халқаро ташкилотлар — БМТ, ЕИ ва ЕХҲТ органларида ишлаган. Хусусан, узоқ йиллар ЕХҲТга раислик қилган, 2005-2006 йилларда эса Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили лавозимида меҳнат қилган. Тажрибали сиёсатчи ва дипломат Ян Кубиш минтақамиздаги вазият ва шароит билан яхши таниш.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг барча дўст халқини ва мамлакатнинг катта ҳурматга эга бўлган Президенти Ислом Каримовни яқинлашиб келаётган, фасли баҳор ибтидоси ва табиат уйғонишини ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу хуш айём муносабати билан мамлакатингизнинг барча аҳолисига фаровонлик, тинчлик ва бахт тилаб, ўзимнинг эзгу истакларимни йўллаш мен учун катта ифтихордир.

Яқинда Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Корея халқи ой тақвими бўйича Янги йилнинг кириб келишини нишонлади. Ушбу кунда ҳамма хонадонда албатта гуруч унидан тайёрланадиган анъанавий «ток-кук» таоми пиширилади. Менга маълумки, мамлакатингизда ҳам Наврўз байрами куни ундирилган буғдойдан анъанавий «сумалак» тайёрланади. У кишига куч, қувват ва бардам руҳ бахш этади. Ушбу шодиёна кунда шахсан ўзим Сизга, ҳурматли Президент жаноблари ва Ўзбекистоннинг барча халқига куч-қувват ва бардам руҳ Сизларни асло тарк этмаслигини ҳамда у ёш давлатнинг мустақиллиги ва эгаменлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериши тилакларини изҳор этишни истар эдим.

Сиз Жаноби Олийларининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳукумати йиғилишидаги чиқишингиз Корея матбуотида эълон қилинди ва мен у билан танишишдан катта қониқиш ҳосил қилдим. Мен ўзбек халқининг ўтган йили эришган катта муваффақиятларидан ҳамда миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётни яхшилаш юзасидан Сиз белгилаб берган 2007 йилнинг йирик вазифаларидан чуқур таъсирландим.

Менинг қатъий ишонишимча, бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистондаги иқтисодий гуллаб-яшнаш ва сиёсий барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизнинг томонингиздан киритилган анъанага мувофиқ, жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганига алоҳида эътибор қаратдим. Ва мен бунда энг муҳим, бош мақсадни, яъни Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида жамиятни янгилаш ва модернизациялаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича чуқур ислоҳотлар дастурини кўраман.

Объектив қийинчиликларга қарамай, Сизнинг мамлакатингиз ўз менталитети ва анъаналарини, шунингдек, демократия ривожланиши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадамлар ташлагани ва бу йўлни изчил давом эттираётгани Ўзбекистоннинг қадрдон ва самимий дўсти сифатида мени қувонтиради. Ўзбекистонга бу йўналишда янада муваффақият билан олға ҳаракатланиш истагини тилашни истар эдим.

Самимий ҳурмат билан,

Ли Ман СОП,
Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собиқ спикери

«ТОШКЕНТ — ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ»

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси ҳамда «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» китоби чоп этилди.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида дунёга танилган. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини жаҳон аҳли эътироф этган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида эришилган натижалар ўз самарасини бермоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ана шу улкан ишларнинг яна бир эътирофи бўлди.

«Тошкент — ислом маданияти пойтахти» китобида Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари чоп этилган.

Муайян шаҳарнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганишга, тиклаш ва тарғиб қилишга, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан келган табриклар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.



Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга мазкур воқеа жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Ушбу китобда дипломатик корпус вакиллари, хорижий мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилган. Шунингдек, дунёнинг турли давлатларидаги етакчи ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ёзилган мақола ва шарҳлар ҳам китобга киритилган.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 19 март куни «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Европа Иттифоқи парламенти аъзоларидан иборат делегация иштирок этди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тадбирда «Ўзбекистон — ЕИ» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг Ўзбекистон томонидан ҳамраиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М.Тешабоев мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар фаол ривожланаётганини таъкидлади.

«Ўзбекистон — ЕИ» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг Европа Иттифоқи томонидан ҳамраиси, Европарламент депутати, Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Она Юкневичиене хоним Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар ривожида парламентлараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Мамлакатимизда миллий, умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил қадамлар ташламоқда. Жамиятни демократлаштириш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш юзасидан қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда демократик тамойиллар изчиллик билан амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Учрашувда томонларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, Марказий Осиё ва Европада терроризмга, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масалалари кўриб чиқилди.

Европарламент делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА)

СЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Кубиш 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Словакияда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш жуда катта, — деди Ян Кубиш. — Европа Иттифоқи ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётир. Шак-шубҳасиз, ўзаро алоқаларимизни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг имкониятлари кўп. Президентларимизнинг учрашувларида икки мамлакат муносабатларининг ҳуқуқий пойдевори яратилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама этилди.

Словакия ташқи ишлар вазири Я.Кубиш Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В.Норов билан ҳам музокара ўтказди.

Ян Кубиш Словакия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимида иштирок этди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилсин.

3. 2007 йилнинг 1 июлидан:

уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорида қўшимча;

жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорида ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тадбиркорлик тузилмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўшимча моддий ёрдам кўрсатсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида қайд этилган мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар даромад солиғидан тўлиқ озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги 573-қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида 28 та «Меҳрибонлик» уйи, шунингдек, 86 та санаторий типидаги ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ҳамда «Саховат» интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, уларнинг таъминотини янада яхшилаш бўйича жорий йилда ушбу мақсадларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 март

❖ **ЎзХДП тарғиботчилари ва ташвиқотчиларига**

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҚОНУН

Яқинда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, у Сенатга юборилди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади, нормалари, тушунчалари ҳақида парламент қуйи палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ҳамидулла НАЗАРОВ мухбиримизга батафсил сўзлаб берди.

ЭҲТИЁЖ

Халқимиз азалдан саховатпеша. Олижаноб қадриятларимиз тобора сайқалланиб бораяпти. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этаётган эканмиз, ўзўзидан уларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

Ҳуқуқий давлатда ҳар бир фаолият, хатти-ҳаракат қонун билан тартибга солиниши керак. Биз ҳозир айни ўтиш даврида эканмиз, қонун ижодкорлиги ҳам ана шундай мақсадларга қаратилган. Кўплаб янги муносабатларни тартибга соладиган қонунларнинг яратилаётгани сўзимизнинг исботидир. Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилни маълум ном билан аташ таомилга айланди. Бу нафақат тегишли соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, балки унинг ривожини таъминлашга қаратилган қонуний базани мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Мисол учун ўтган йилимиз «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган эди. Шунга мувофиқ бу йўналишда жуда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорига асосан «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Ҳомийлик қилиш Ўзбекистон заминида яшайдиган одамларнинг қон-қонига сингиб кетган. Мазкур қонун эса ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини белгилашга қаратилган. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан уни қўллаб-қувватлашнинг шакллари белгиланган.

ЖАРАЁН

Қонун лойиҳасини тайёрлашда хорижий мамлакатларнинг, мазкур соҳага оид тажрибалари, қонунлари, МДҲнинг «Меценатлик ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги намунавий қонуни ўрганилган. Ишлаб чиқиш жараёни ҳамда муҳокамаларда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Тошкент давлат юридик институти вакиллари, мутахассислар иштирок этдилар. Парламент қуйи палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрлаш вақтида Қонунчилик палатаси қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлардан 83 та таклиф тушди. Қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишлаб ўтказилган конференция, давра суҳбати, семинарларда 39 та таклиф билдирилди. Уларнинг ҳар бири қизғин муҳокама қилинди, ўрганилди.

Ҳомийлик деганда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа шахсларга мулк, маблағни текинга ёки имтиёзли шартлар асосида бериш, хизмат кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш борасидаги беғараз фаолияти тушунилади. Ҳомийликнинг мақсадларига нафақат фуқароларни қўллаб-қувватлаш, балки ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалалар ҳам киради. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳайвонот оламини асраш ишларига ҳам ҳомийлик қилиш мумкин. Қонун ҳомийликни ихтиёрий, эркин мақсадлар учун амалга ошириш ҳуқуқини беради. Ҳомийлар ўз хайр-эҳсонларини мақсади ва ундан фойдаланишни ўзлари белгилашга ҳақлидирлар. Буни чеклашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ҲОМИЙЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ

Мазкур қонун ҳомийлик фаолияти билан бевосита шуғулланадиган ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш имкониятларини яратади. Ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмалари, фондлари ва бошқа шакларда ташкил этилиши мумкин. Ҳомийлик ташкилотлари ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга. Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари масалалари Фуқаролик кодекси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунлар билан тартибга солинади.

Жисмоний ва юридик шахслар бу ташкилотнинг муассислари бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари эса бундай ҳуқуққа эга эмас. Улар бундай ташкилотнинг муассислари бўла олмайди. Ушбу норма ҳомийлик ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида алоҳида мақомини белгилайди ҳамда ҳомийлик соҳасини бюрократлаштиришга қарши йўналтирилган. Ҳомийлик ташкилоти хўжалик ширкати ёки жамияти сифатида қайта ташкил этилиши мумкин эмас. Мабодо у тугатиладиган бўлса, кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан кейин, қолган мулк ҳомийлик мақсадларида сарфланади.

Ушбу чекловларнинг киритилишига ҳам ўзига хос сабаблар бор. Агар бу талаб қўйилмаса, айрим инсофсизлар ҳомийлик ташкилотини берилаётган солиқ имтиёзлари ҳисобига фақат ўз мол-мулкини кўпайтириш учунгина ташкил этишлари мумкин.

Ҳомийлик ташкилоти фаолиятини уни давлат рўйхатидан ўтказган орган ўз ваколатлари доирасида назорат қилади. Устав қоидалари ва ҳомийликнинг мақсадларига риоя қилиниши-ни таъминлайди. Ҳомийлик маблағларини лозим даражада ишлатмаслик ва суиистеъмол қилиш масалаларини кўриб чиқади, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборади. Ташкилотнинг ҳар йилги ҳисоботи рўйхатдан ўтказган органга, солиқ идораларига топширилади. Ташкилотга маблағини мақсадли равишда ўтказган ҳомий ундан ушбу маблағларнинг ишлатилиши ҳақидаги ҳисоботни талаб қилишга ҳақли.

ҚОНУН ҲОМИЙЛАРГА ИМТИЁЗ БЕРАДИМИ?

Ушбу масала бўлиб ўтган барча муҳокамаларда кўтарилган ва келиб тушган таклифларнинг аксариятида ҳам шундай фикрлар бор эди. Шунингдек, таклифлар орасида бунга қарши, яъни ҳомийлик субъектларига имтиёзлар ушбу қонун доирасида белгиланиши мумкин эмас, деган мулоҳазалар ҳам бўлди. Ана шу масала муҳокамаси бўйича бир неча бор йиғилишлар ўтказилди. Мутахассислар, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашган ташкилотлар вакиллари, экспертлар ва депутатлар ҳомийларга бериладиган имтиёзларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келдилар.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, имтиёзларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларни тегишли бошқа қонунлар, кодексларга киритиш мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, қонунларда кўрсатилганидан ташқари, қонуности ҳужжатларида ҳам имтиёзлар акс эттирилиши мумкин. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўз ҳудудларида ҳомийлар ва ҳомийлик ташкилотларига имтиёзлар яратишлари мумкин. Булардан ташқари, ҳомийлик хайрияларининг миқдорига ва уни олувчиларнинг ижтимоий аҳволига қараб имтиёзлар ҳам турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳомийлар, ҳомийлик олувчилар ва ҳомийлик ташкилотлари учун бериладиган имтиёзлар Солиқ ва Божхона кодексларида белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Бу ҳаётда кимдир кўп нарсага эришган, мол-давлати ҳам етарли. Яна кимдир эса бироз қийналган, бирор бир ишни амалга оширишга қўли калталик қилади. Уларга ўз ҳаётини тўғри йўлга қўйиб олиш учун туртки, озгина қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак бўлади. Мазкур қонун ана шундай олижаноб ишларга кенг йўл очади, механизмлар яратади. Демак, эзгуликка хизмат қиладиган қонундир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Қонликўл туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари, партиядан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари раислари, фаоллар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосари Саденбай Нурманов туман партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» тадбирларида партия ташкилотларининг иштироки ҳақида тўхталди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Тонгатар Қайпназаров Ўзбекистон ХДП Қонликўл туман кенагаши раиси этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Хонқа туман кенгаши томонидан Хонқа қурилиш касб-ҳунар коллежида «Наврўз» удумлари ва миллий қадриятларнинг муштараклиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Кенгаш раиси А.Ваисов йиғилганларни баҳор айёми билан табриклаб, Наврўз умумхалқ байрами ва байрам муносабати билан ўтказиладиган мехр-мурувват ижтимоий ҳимоя тадбирларида ЎзХДП ташкилотларининг иштроки ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларида аҳолини нафақат ижтимоий ҳимоялаш, балки уларни маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Наврўз умумхалқ байрами арафасида Хонқа туман кенгаши аъзолари узоқ йиллар партия сафида фаоллик кўрсатган Боғибек Жумниёзов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан унинг хонадонида бўлиб, устоз фахрийни қутлуғ ёш билан табриклаб, унга кенгашнинг эсдалик совғаларини топширдилар.

Фориш туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда «Ёшларга эътибор, касаначиликка кенг йўл» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Жиззах шаҳар кенгашида Наврўз байрамига бағишлаб «Ассалом, Наврўз» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси П.Юлдашев йиғилганларни яшариш, янгиланиш айёми Наврўз билан муборак этиб, уларга партия фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширди.

Бектемир туманиданги «Роҳат» маҳалла гузарида Президентимиз ташаббуси билан киритилган, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенатга юборилган Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун ва қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, яратилаётган имкониятлар ҳақида тўхталдилар. Партиямиз Дастурида илгари сурилган масалалар, олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ **Наврўз нафаси**

ЗАМИНДАЙ ҲОКИСОР

ОСМОНДАЙ БАҒРИ КЕНГ БЎЛИШ ҲАҚИДА САБОҚ БЕРАДИГАН АЙЁМ

Олимлар ер юзида ҳаёт пайдо бўлганидан бери миллион-миллион йиллар ўтганини тахмин қилинади. Эҳтимол, шундайдир. Қуёш пайдо бўлди. Қуёшнинг нури ерга тушди. Сув, ҳаво, олов каби муқаддас унсурлар юзага келди. Борлиқни тириклик уйғотди — само тафтидан, фалак ҳароратидан бағри илиган момо ерни тўлғоқ тутди, тупроқ қаъридан майса отилиб чиқди — бу ҳаётнинг нишонаси. Ўшанда ҳам кун билан туннинг баҳордаги тенг келиши мавжуд эди, янги кун бор эди. Ер ўз ўқи атрофида айланарди. Унинг муайян вақтда маълум қисмида уйғониш, баҳорий жонланиш бошланарди.

Кейинчалик, орадан узоқ вақт ўтгач, рўйи заминда одам болалари ҳаёт кечира бошлагач қуёшга, ерга, самога, жамики нарсаларга ном берилди, борликдаги ҳодисотларни фараз қила бошлашди. Қуёшнинг Ҳамал буржига кириши Наврўз қунига тўғри келишини — шамсий йилнинг биринчи куни эканлигини тушмоллашди. Шу-шу, қадим Марказий Осиё ва Шарқ халқлари мамлакатларида ризқу рўз, тириклик, деҳқончилик ишлари байрами тантана қилина бошланди.

Наврўзнинг ёши ерда ҳаёт пайдо бўлган чоғда, Ер билан Само топишган, борликда тириклик нишонаси белги берган, ҳали Курраи заминни одамият насли ишғол қилмасдан бурунги замонлар билан тенг бўлиши мумкин. Фақат — бизнинг қадим аждодларимиз унга Наврўз деб ном беришди холос.

Наврўзни байрам қилиш тарихий манбаларга кўра ахмонийлар давридан бошланган. Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон халқларининг катта байрами ҳисобланган бу байрам.

Кўҳна қўлёзмалар, қадим аждодларимиз, буюк алломалар асарларида Наврўз ҳақида мукаммал маълумотлар қолдирилади. Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк», Абу бакр ал-Наршахийнинг «Бухоро тарихи» каби асарларида бу улуғ айёмнинг тарихи тириклик, эзгулик, тинч-омонлик билан боғланади.

Наврўзнинг ёши ҳақида гап кетса турли хил афсоналар билан муқояса қилинади. Шоҳ Жамшид, Сиёвуш ҳақидаги афсоналар тилга олинади. Наврўз пайдо бўлганига 3 минг йилдан зиёд вақт ўтгани айтилади... Булар шунчаки таҳминлар, ривоятларга асосланган қарашлар... Аммо, Наврўзнинг ёшини офтоб билан, замин билан заминдаги жонланишнинг илк дақиқаси билан боғласак ҳам хато қилмаймиз.

Наврўз тирикликнинг боқий сабоғи! У бизга, биз одамларга ўнибўсиш, яйраб-яшнаш, улғайишидан сабоқ беради. Биз одам болалари табиатнинг буюк мўъжизасидан хулоса қилсак, қалбимизни нурлантирсак, дунёда эзгулик, ёруғлик тантана қилаверади. Бизнинг қалбимизни ёвузлик, ҳасад, кўролмаслик, тундлик, тубанликка бошловчи бадниятликлар тарк этади. Қаранг, замин, ҳаммамизни кўтариб турган замин, она тупроқ кўкка ўз бағрини очади. Фалак унга ёмғирлар, оби-ҳаёт қуяди, қуёш нурлари унинг бағрини илитади. Заминда майса, дон, ризқ-рўз, нон унади. Сурув-сурув қўй-қўзилар яйрайди. Фалак эса мана шу тирикликнинг бошпанасига айланади. Ер ўзидаги ризқ-рўзни одамларга беради... Осмон ўша ризқнинг манбаи — дарё-дарё сув, ҳароратли қуёш нури, бари-бари биз — одамларга ином этилади.

Шу заминда, керак бўлса барча дов-дарахтлар, гул чечакларнинг эмас, балки одам фарзандларининг ҳам илдизи бўлади. Ҳа, одамнинг ерда илдизи бўлмаганда эди, у аллақачон ер-кўк оралиғида муаллақ қоларди. Шунинг учун ҳам халқимизда «оёғинг ердан узилмасин» деган нақл бор — оёғи ердан узилмаган одам ризқнинг, тирикликнинг, ён-теварақдагиларнинг, она-заминнинг қадрига етади. Оёғи ердан узилмаган одам заминдай хокисор, беминнат, камтар бўлади. Осмондай бағри кенг бўлади.

Мана бизга Наврўз тириклик тимсолида нимани ўргатади. Она-Ер, бошимиздаги офтоб, само бизни ардоқлаётганидан, тирикликнинг қадрига етишмиздан сабоқ беради Наврўз. Наврўз — Янги кун ўз номи билан. Ҳаёт дегани!

Қадим-қадим замонларда ҳам Наврўзда урушлар тақа-тақ тўхтаган. Одамлар бир-бирини кечиришган, гина-қудуратлар унутилган. Баъзида ўйга толасан киши, биз башар болаларига бугун Она-ер торлик қилаётгандай туюлади. Уруш оловини ёқамиз, рўйи-заминни жаҳолат комига тортмоқчи бўламиз. Агар курраи заминни қабоҳат оловида ёндирсак, биз яратган қуроллар бизни шу заминдан улоқтириб юбориши, ернинг ҳам бошига етсак биз учун бошқа яшаш манбаи йўқ эканлигини ақлимизга сиғдиролмаётгандай бўламиз.

Наврўз бизга бир-биримизни кечиришимиздан сабоқ беради, кечиримли бўлишимизни ўргатади. Наврўз энг аввало ҳар бир инсоннинг қалбида эзгулик машъали ёнсин дейди. Агар ҳар бир одамнинг қалбида яхшилик уруғи илдиз отса, ҳар бир одам ўзини ўзи яхшиликка ундаса шак-шубҳасиз, бу дунё тинч, рўйи замин хотиржам бўлади.

Наврўзнинг сабоғи булар, Наврўзнинг қадим-қадимлардан бери яшаб келаётган даъвати, моҳияти булар...

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИ

Устоз — энг буюк ва энг шарафли унвон. Кунни тунга, тунни тонгга улаб тинимсиз қилинган машаққатли меҳнатлар, баъзан оила, уй-рўзғор ташвишлари-да бир четга суриб, фидойилик кўрсатиш эвазига эришиладиган унвон. Юртимизда ана шундай фидойи, ўз касбининг моҳир устаси бўлган, ҳаётини шу касбга бағишлаган устозлар кўплаб топилади.

Улардан бири Тошкент шаҳри, Бектемир туманидаги 293-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Аҳмедовадир. Моҳир педагог мана қарийб йигирма йилдирки, бошланғич синф ўқувчиларига нафақат ўқиш-ёзиш сирларини ўргатиб, балки одобнома, маънавий-ахлоқий тарбиядан ҳам сабоқ бериб келмоқда. Насиба опа бахтини ўз касбида, қилаётган меҳнатида деб билади. Шу боис тинимсиз изланади, ҳар бир дарсига пухта тайёргарлик кўради, дарс ўтишнинг, таълим-тарбия беришнинг янги илғор усулларини ахтаради. Уларни ўқув машғулотларида қўллаб, ҳамкасблари билан ўртоқлашади. Шу сабабдан ҳам кўпчилик ота-оналар ўз фарзандлари Насиба опадан таълим-тарбия олишини исташади.

— Ҳақиқий ўқитувчи, аввало, ўз касбини, болаларни севиши керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам унинг қалбида муҳаббат устун бўлиши зарур, — дейди Н.Аҳмедова. — Ўқитувчи ҳақиқий психолог бўлиши лозим. У ҳар бир ўқувчиси қалбига йўл топиши, доимо уларнинг ўй-фикри ва ташвишлари билан яшаши керак. Турли хил муҳитда ўсган болалар билан ишлашда қаттиққўллик ҳам, кўнгилчанлик ҳам талаб этилади. Токи ҳар бир ўқувчида фақт яхши фазилатлар шакллансин. Албатта, бунга эришиш учун эса доимий меҳнат, изланиш зарур.

Изланувчан, ижодкор бу ўқитувчи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичида одобнома фани бўйича ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди. Унинг бу ютуқлари замирида эса касбига бўлган фидойилиги, заҳматли меҳнати, келажакка дахлдорлик туйғуси мужассам.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 20 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	992,63	1 Польша злотийси	427,64
1 Англия фунт стерлинги	2422,98	1 СДР	1887,19
1 Дания кронаси	223,02	1 Туркия лираси	887,08
1 БАА дирхами	339,92	1 Швейцария франки	1033,47
1 АҚШ доллари	1248,12	1 ЕВРО	1660,50
1 Миср фунти	219,26	10 Жанубий Корея вони	13,23
1 Исландия кронаси	18,57	10 Япония иенаси	106,45
1 Канада доллари	1061,33	1 Россия рубли	47,92
1 Хитой юани	161,36	1 Украина гривнаси	247,15
1 Малайзия рингити	356,35		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

❖ Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЕТУКЛИК САРИ РАҒБАТ

ПОЙТАХТИМИЗДА АСПИРАНТ, ДОКТОРАНТ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Истиқлол йиллари мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор, уларнинг билим ва касб чўққиларини эгаллашлари йўлида кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик ҳар томонлама юксалди. Яратилаётган беқиёс имкониятларга мос равишда бугун истеъдодли ва қобилиятли ёшларимиз нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсдаги нуфузли танловларда ҳам оламшумул ютуқларга эришаётгани бу улкан ғамхўрлик нечоғли самара бераётганидан далолатдир. Пойтахтимизда «Фан ҳафталиги» доирасида бўлиб ўтган аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани ҳам бу борада ёшларимиз ҳаётида янги саҳифа очди, десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 3 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида фан ва технологияларни бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси қўйилган ва уни бажаришда республикамиздаги ёш олимлар, тадқиқотчиларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутиши таъкидланганди. Бўлиб ўтган анжуман ҳам худди шу мақсадда ташкил этилди.

Мазкур танловга республикамиздаги барча олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтларидан 273 нафар истеъдодли аспирант ва докторантлар танлаб олиниб, тақдим этилган илмий-ижодий ишлар ҳар бир йўналиш бўйича етук мутахассис-олимлардан иборат экспертлар гуруҳи томонидан баҳолаб борилди.

— Анжуманни ўтказишдан асосий мақсад — республикамизда мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда бугунги кунда изланишлар олиб бораётган ёшларимиз ютуқларини юзага чиқаришдир, — **дейди анжуман ташкилий қўмитаси аъзоси, Тошкент давлат техника университети проректори Карима Норқулова.** *— Биз танловга тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш жараёнида шунисига қувондикки, улар орасида дунёнинг энг етакчи давлатларидаги анжуманларда иштирок этган аспирант ва тадқиқотчилар бор эди. Улар ёш бўлишларига қарамай, аллақачон катта олим сифатида танилиб улгуришган.*

Бахтиёр ЭШМАТОВ, Тошкент ирригация ва мелиорация институти докторанти:

— Танловда мен механика ва машинасозлик йўналиши бўйича қатнашдим. Илмий ишим флаттер ҳодисасига бағишланган бўлиб, у бугунги кунда самолётсозлик саноатида энг долзарб масала ҳисобланади. Бу жараёнда самолёт ва бошқа учиш аппаратлари учун ишлатиладиган композицион материалларнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг критик тезлигини топиш муҳим аҳамиятга эга. Мен ўз тадқиқотимда мана шу ҳолатнинг илмий жиҳатдан ечимини топишга ҳаракат қилдим. Бу ишим эса танлов ҳайъати томонидан яхши баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Зафаржон ЖАББОРОВ, ЎзМУ аспиранти:

— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида асосий ресурс суғориладиган ерлар ҳисобланади. Лекин деҳқончиликда улардан узоқ йиллар давомида фойдаланилиши, саноат корхоналарининг кенгайиши, турли хил рельефли ноқулай жойларда эрозия жараёнининг вужудга келиши ҳамда бошқа табиий ва антропоген омиллар таъсирида тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ўзгаришга учрамоқда. Мен тадқиқотимнинг бош мақсади қилиб суғориладиган тупроқларнинг нефть ва нефть маҳсулотлари таъсирида ифлосланиш ҳолати ва бунинг тупроқ хоссаларига таъсири, уларни ҳал этишга қаратилган биологик тозалаш жараёнининг илмий асосларини ишлаб чиқишга қаратдим...

Динора ДЎЛТАЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети аспиранти:

— Маълумки, бугунги кунда янгиликлар муҳим товар, ахборот бозори эса энг даромадли бизнес майдони ҳисобланади. Дунёнинг етакчи медиа-корпорациялари эса халқаро ахборот бозорида ўз таъсир доираларини белгилаб олди. Хўш, бу борада Ўзбекистон тажрибаси қандай? Мамлакатимизда ахборот бозори қай тарзда шаклланмоқда? Бу саволларга жавоб излаш, Ўзбекистон ахборот бозоридаги тамойилларни таҳлил этиш, потенциал медиа-корпорацияларнинг ўзига хосликларини ўрганиш назария учун янги ва муҳим йўналиш бўлиб, мен ўз тадқиқотимда бу соҳада мамлакатимизда қандай жараёнлар кетаётганини имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдим.

Уч кун давом этган анжуманда барча тадқиқотчилар 12 та шўъбага бўлинган ҳолда мутахассис-олимлар иштирокида ўз илмий ишлари бўйича маърузалар билан қатнашди. Анжуман якунида эса ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар аниқланиб, танлов ҳайъатининг фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, истеъдодли ёшларимизда буюк аждодларимизга муносиб бўлиш ҳамда мамлакатимиз фани йўлида қайғуришдек олижаноб туйғуни шакллантиришга хизмат қилувчи мазкур анжуман уларни янги чўққилар сари руҳлантиришда муҳим босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Билмасангиз билиб олинг

ДАРОМАДИНГИЗ БОРМИ?

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИГА У ҲАҚДА ДЕКЛАРАЦИЯ ТАҚДИМ ЭТИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ? ФУРСАТ ОЗ ҚОЛДИ...

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 62-моддасига кўра, асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент — жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар жами йиллик даромадлари тўғрисида якуний декларация тақдим этишлари белгилаб қўйилган. Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар бухгалтерияга унинг даромадидан энг юқори ставка (29%)* бўйича солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширган ва солиқ унинг аризасига мувофиқ ушлаб қолинадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Тамом бўлган йилда фақат асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида меҳнат вазифаларини бажаришдан даромад олган жисмоний шахслар шу йил учун олинган даромадлари ҳақида декларация тақдим этмайдилар.

Хўш декларация қандай ва қачон топширилади?

2006 йил учун даромадлар тўғрисида декларация истиқомат жойидаги солиқ инспекциясига қуйидаги муддатларда тақдим этилади: Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар 2007 йил 1 апрелдан кечиктирмай топшириши керак. Чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида ЎзРга келган кундан бошлаб бир ой мобайнида; фаолияти тўхтаган ва у ЎзРдан чиқиб кетадиган бўлса, амалда олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишидан камида бир ой олдин; якуний даромад (йил учун) — 2007 йилнинг 1 апрелидан кечиктирилмай топширилади.

Декларация билан биргаликда қуйидагилар ҳам тақдим этилади: барча иш берувчилар томонидан белгиланган шакл бўйича маълумотнома кўринишида даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар; имтиёзга эга бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси ва бошқа зарур ҳужжатлар.

Декларацияни тақдим этиш тартибини бузганлик учун Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда молиявий жазо чоралари назарда тутилган.

Декларацияни тақдим этмаганлиги ёки вақтида тақдим этмаганлиги, шунингдек, белгиланмаган шаклда тақдим этганлиги учун:

— Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда.

— Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилганда тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун тегишли сумманинг бир фоизи миқдорида, бироқ, тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб чиқарилган тўловлар чегириб ташланган ҳолда белгиланган тўлов муддатига тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўланади.

Декларация узрли сабаблар (хизмат сафарида бўлиш, касаллик ва бошқалар)га кўра вақтида тақдим этилмаган ҳолларда, солиқ инспекциясига декларация билан бирга қўшимча тарзда тушунтириш хати ва ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Декларацияни тақдим этиш тартибига риоя қилмаганлиги учун солиқ тўловчига жарима солинганда ёки даромад солиғи тўлиқ тўланмаган тақдирда — солиқ инспекцияси унга жарима (боқиманда, пенсия)ни ихтиёрий тўлаш тўғрисида талабнома юборади.

2006 йил учун жами даромаддан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш учун қуйидагича ставкадаги шкала қўлланилади:

2006 йилнинг декабри учун жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаш шкаласи

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(5х124440)=622200 сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
622201 сўмдан (10х124440)= 1244400 сўмгача	80886+622200 сўмдан ортиқ сумманинг 20 фоизи
1244401 сўм ва ундан юқори	205326+1244400 сўмдан ортиқ сумманинг 29 фоизи

2006 йилда энг кам иш ҳақи миқдори: 1 январдан 1 июлгача 9400 сўмни, 1 июлдан 1 ноябргача 10800 сўмни, 1 ноябрдан бошлаб 12420 сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 64-моддасида, жисмоний шахслар жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, даромад солиғи йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса декларация солиқ органига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида тўлаши белгиланган.

Шоҳида ШУКУРОВА, ДСИ мутахассиси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯШИЛ ЎЛКА БЎЛАДИ

Республика Вазирлар Кенгаши шаҳар ва туманлар марказлари, қишлоқ ҳамда овулларни боғу бўстонга айлантириш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унда 10 апрелгача республика ҳудудида 2 миллион 845 минг туп кўчат (шундан 100 минг тупи мевали дарахт ниҳоллари) ўтказиш белгиланди. Шунингдек, экилган ҳар бир туп кўчатнинг кўкариб кетишини таъминлаш мақсадида вазирлик, идора, корхона, ташкилот, бошқарма, бирлашмаларга алоҳида масъулият юкланди.

Хуллас, Наврўз кунлари Қорақалпоғистонда 124,5 гектар майдонда мевали боғ-роғлар, 53,7 минг туп ток кўчатлари ўтказилган узумзорлар бунёд топади.

— Ушбу қарорга кўра, — дейди **Қорақалпоғистон Ўрмон хўжалиги бошқармаси раиси, Республика Жўқорғи Кенгеси депутати, ЎзХДП фаоли Аминбой Тажиев,** — биргина бизнинг бошқармамиз жамоаси Наврўз ойлигида салкам 1,5 миллион мевали-манзарали дарахт кўчатлари ўтказишни мўлжаллашган. Зеро, дов-дарахтлар кўп бўлса, республикамиз ҳам обод ва тўкис бўлади, экологик муҳит яхшиланади, одамлар саломатлиги мустаҳкамланади... Ҳозир Нукус — Тахтакўпир, Нукус — Қўнғирот, Нукус — Тўрткўл, Қарабайли — Шуманой, Қипчоқ — Манғит магистрал йўлларининг икки томонида кўчат ўтказиш ишлари қизғин бораяпти...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк» жамоаси

Сизларни «Наврўз» айёми билан самимий муборакбод этади ва барча ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз равнақи йўлидаги бунёдкорона меҳнатларида янги ютуқлар ва зафарлар тилайди.

РАТБ «Ғаллабанк» қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

т/р	Омонат (депозит) номлари	Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўм)	Асосий шартлар
А	В	1	2	3	4	5
1.	Талаб қилиб олгунча	Талаб қилиб олгунча	муддатсиз	2,4	100	Талаб қилиб олингунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади.
2.	Пластик карточка	Талаб қилиб олгунча	муддатсиз	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, хоҳлаган муддатда қўйилади ва олинади, омонатга фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса шу кун учун фоиз ҳисобланмайди
3.	«Саломатлик»	муддатли	11 ой	16,6	10 000	Ойига 1,4% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш ҳамда саломатликни тиклаш учун сарфланади
4.	«Нафақа-мададкор»	муддатли	1 йил	15,1	10 000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,3% устама тўланади
5.	«Ishonch»	муддатли	3 ой — 3 йил	15,1 — 17,1	10 000 — 5 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,1% дан 17,1% гача устама тўланади
6.	«Luks»	муддатли	3 ой — 3 йил	15,6 — 17,6	5 000 000 — 10 000 000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,6% дан 17,6% гача устама тўланади
7.	«Kafolat»	муддатли	3 ой — 3 йил	16,1 — 18,0	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ҳамда тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 16,1% дан 18,0% гача устама тўлашга келишилади
8.	«Меҳригиё»	жамғармали	18 ёшгача	14,0	10 000	Йилига 14,0% дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
9.	«Kelajak»	жамғармали	16 ёшгача	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10 000	Қўшимча фоиз омонат банк томонидан қабул қилинган кунда амалда бўлган МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Омонат суммаси 16 ёшгача сақланади.
10.	«Коммунал омонати»	муддатли	3 ой ва ундан юқори	18,0	100 000	Аҳоли уй-жой-коммунал тўлов хизматлари ва электр тўловларини қабул қилишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жорий этилган. Йилига 18,0% миқдорида устама тўланади, коммунал тўловлар омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

ХАЛҚ БАНКИ

Муқаддас юртимиз аҳлини «НАВРЎЗ» айёми билан самимий муборакбод этади. Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

Юртимизда осойишталик, оилангизда фаровонлик доимо ҳукмрон бўлсин, дея истак билдириб «Оила фаровонлиги» истеъмол кредитидан фойдаланишни ТАВСИЯ ЭТАДИ

Бунда Сиз:

- Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-ҳашак харид қилиш;
- Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
- Республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш имконияти ва қулайликларга эга бўласиз.

Шунингдек, «Ишонч» ва Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади. Бу орқали Сиз маблағларингизнинг дахлсизлигини таъминлаш билан бирга уни кўпайтириш имкониятига ҳам эга бўласиз.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

АҚШ Ироқда ҳарбий операциялар бошлаганига якшанба куни тўрт йил бўлди. Шу муносабат билан, — дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида, — Американинг кўплаб шаҳарларида, жумладан, Вашингтондаги Пентагон биноси олдида, Нью-Йоркда, Лос-Анжелесда, Сан-Францискода минглаб одамлар иштирокида ушбу ҳарбий ҳаракатларга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

1967 йили Вьетнамдаги урушга қарши чиққан намойишчилар қайси кўчалардан ўтган бўлса, Вашингтондаги намойишчилар ҳам ўша кўчалардан юрдилар.

Лос-Анжелесдаги норозиликда 6 мингга яқин одам иштирок этди. Улар Америка байроғи билан ўралган бўш тобутларни Голливуд кўчаси бўйлаб кўтариб ўтдилар.

Маълумотларга қараганда, Ироқда уруш бошлангандан бери (2003 йилдан) ўн минглаб ироқликлар ҳаётдан кўз юмган, Америка эса 3200 га яқин ҳарбийларидан айрилган.

Умуман, бу урушга қарши норозилик намойишлари Европада ҳам, жумладан, Будапешт, Рим, Афина, Копенгаген шаҳарларида, шунингдек, Австралиянинг Сиднейида бўлиб ўтди. Испаниядаги намойишчилар АҚШ президенти Жорж Бушни ҳарбий жиноят содир этганликда айбладилар.

ҚОЧҚИНЛАР ОРТИБ БОРМОҚДА

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси берган маълумотларга кўра, Шри-Ланкада қочқинлар сони ортгандан ортиб бормоқда. Фақат кейинги бир неча ҳафтанинг ичида 15 минг қочоқ ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида.

Сабаб: кейинги пайтларда «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» сепаратчилар гуруҳи жангарилари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар кескин тус олмоқда.

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакили Дэвид Вигнатининг айтишича, 2006 йил ноябрдан бери 105 мингга яқин киши ўз уйларини ташлаб, ҳукумат назоратидаги ҳудудда жойлашган қочқинлар лагерларига кўчиб ўтган.

Маълумки, «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» сепаратчилари 1983 йилдан бери Шри-Ланка шимолида мустақил Тамил давлати қуриш йўлида қуролли кураш олиб бормоқда. 1983 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда (2002 йили томонлар Норвегия воситачилигида тинчлик келишув битимини имзолаган) мамлакатда 65 минг киши қурбон бўлган, шундан 3,6 минг нафари сепаратчилар, қолгани тинч аҳоли вакилларидир.

2005 йил охиридан қуролли тўқнашувлар яна бошланиб кетди ва ўшандан бери 4 минг киши ҳаётдан кўз юмди, 200 минги қочоққа айланди.

ТАН ОЛИШГА ТАЙЁР

Европа Иттифоқи Фаластин мухториятининг янги таркибдаги миллий бирлик ҳукуматини тан олишга ва у билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлигини маълум қилди. Бу ҳақда ҳозир Европа Иттифоқига раислик қилаётган Германия маъмурияти эълон қилган баёнотда алоҳида таъкидланди, дея хабар беради «AFP» агентлиги.

Маълумки, Европа Иттифоқи Фаластиннинг ХАМАС ҳукмронлигидаги аввалги ҳукуматини тан олмаган ва мухториятга кўрсатиладиган молиявий ёрдамларни «музлатиб» қўйган эди.

ФАТХ, ХАМАС ва мустақил номзодлар вакилларидан таркиб топган Фаластиннинг янги ҳукумати аъзолари шанба куни қасамёд қабул қилдилар.

Ушбу янги ҳукуматни Буюк Британия, Ирландия, Испания ва Норвегия маъмуриятлари тан олганлигини маълум қилдилар ва табрикладилар. Бироқ Исроил ҳукумати жаҳон жамоатчилигини Фаластин ҳукуматини тан олмасликка ва бойкот эълон қилишга чақирмоқда. Ушбу муносабат билан Исроил ҳукумати йиғилиш ўтказди, унда 19 вазир бойкот эълон қилинишини

қўллаб-қувватлаб овоз берган бўлса, атиги 2 вазиргина бойкотга қарши чиқди.

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАРГА ҚАРШИ

Испанияда шаҳар ва посёлкаларда ноқонуний қурилишлар ва қурилишлардаги бошқа жиноятларга қарши курашувчи янги махсус бўлинма — Фуқаро гвардияси (жандармерия) тузилди.

Бўлинмада 194 нафар гвардиячи бўлиб, ҳар бир музофотда уч нафардан ходим хизмат қилади, Мадрид шаҳрида эса оператив гуруҳ ташкил қилинди, агар эҳтиёж туғилса, бу гуруҳ Испаниянинг керакли жойига тезда етиб боради, дейилади жандармериядан олинган манбага асосланган «Новости» ахборотида.

Жандармерия ходимлари қурилиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича барча қонунларни мукаммал ўрганишган. Шунингдек, улар қурилишлардаги жиноятларни фош этиш, айниқса, молиявий кўзбўямачиликларни очиш бўйича махсус курс тайёргарлигини ўташган.

Маълумки, кейинги пайтларда Испанияда қурилиш учун ер олиш ва қурилишни амалга ошириш жараёнларида турли-туман жиноятлар авж олиб бормоқда. Бу жиноятларнинг асосий айбдорлари муниципалитет корчалонларидир. Испанияда ер тақчил бўлгани боис қурилишга ер олиш қийин. Бироқ компаниялар ерни муниципалитет корчалонларидан пора эвазига сотиб олмоқдалар. Аслида Испания қонунчилигига кўра, узоқ йилга мўлжалланган қурилиш режаси ҳудудий маъмурият томонидан тасдиқланади. Бу тартибни бузиш эса жиноят ҳисобланади. Шундай бўлса-да, қонун кўп бузилмоқда.

Масалан, Испаниянинг Марбел курорт шаҳрида кейинги йилларда муниципал корчалонларнинг ноқонуний рухсати билан 300 та бино қад ростлаган, улар орасида кўп қаватли уйлар ҳам бор. Ўтган йили баҳорда айнан шу жиноят учун шаҳар мэрияси тўлиқ таркибда истеъфога чиқарилди, қурилишга раҳбарлик қилганлар эса қамоққа олинди.

Умуман, кейинги бир ярим йилда Испанияда 13 мингта қурилиш ноқонуний амалга оширилгани аниқланган.

ГРИПП БОИС МАКТАБЛАР ЁПИЛДИ

Татаристон Республикасида грипп ва ўткир юқумли касалликлар қамрови кенгайиб бормоқда.

«REGNUM-ВолгаИнформ» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, бугунги кунда ушбу касалликларга чалинганлар 20 фоиздан ортар экан. 38 та мактаб ва 6 та болалар боғчаси карантин муносабати билан ёпилган.



БИРИНЧИ ЎРИНГА ЧИҚИБ ОЛДИ

Сянган шаҳри ҳавосининг ифлосланиш даражаси жуда юқори бўлишига қарамай, бу ерда ўртача умр кўриш дунё бўйича энг юқори кўрсаткичга чиқибди.

Ҳукумат маърузасида ёзилишича, Сянган аёллари ҳозирги кунда сайёрамиздаги энг узоқ умр кўрувчилар экан — уларнинг ўртача умри 85,6 ёшни ташкил этмоқда. Узоқ йиллар Япония бу борада биринчиликни ҳеч кимга бермай келаётганди — 85,5 ёш. Ҳозир улар иккинчи ўринда, испан аёллари эса учинчиликни эгалладилар — 83,8 ёш.

Сянган эркаклари ҳам худди дунё эркаклари сингари ўртача умр кўриш борасида аёлларга нисбатан анча паст кўрсаткични ишғол этган бўлсалар-да, лекин дунё эркаклари орасида биринчи ўриндадир — ўртача 79,5 ёш. Улар бу борада исландларни ортда қолдирдилар — 78,9. Кейинги ўрин швейцариялик эркакларга насиб этди — 78,6. Япон эркаклари эса ўртача 78,6 ёш умр кўришмоқда.

Сянганнинг бу борадаги ютуқлари бежиз эмас. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, бу ерда тиббиёт соҳаси кейинги йилларда анча ривожланди, тиббий хизмат аҳолининг барча қатламларини қамраб олди. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермай қолмади.

ДОЛЛАРСИЗ САВДО-СОТИҚ

Аргентина ва Бразилия икки томонлама савдо алоқаларида Америка долларидан фойдаланмасликка қарор қилди.

Бразилия молия вазири Гуидо Мантега Буэнос-Айресда Аргентина иқтисодиёт вазири Фелис Миселли билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг бу ҳақда «Reuters» журналистига маълум қилди.

Вазирнинг айтишича, шу йил июндан эътиборан ҳисоб-китоблар икки давлатнинг миллий валютасида амалга оширилади. Бу савдони осонлаштиради ва воситачилик харажатларини иқтисод қилади.

Лотин Америкасидаги бошқа давлатларга нисбатан анча ривожланган бу икки мамлакат минтақадаги Парагвай, Уругвай ва Венесуэла давлатларинида бу ташаббусга қўшилишга даъват этмоқда. Ушбу 5 мамлакат Жанубий Американинг МЕРКОСУР савдо блокига аъзо.

АТИГИ 13 ФОИЗ АҲОЛИ ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНАДИ

БМТнинг Ахборот маркази эълон қилган маълумотларга кўра, бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг атиги 13 фоизи интернетга боғланиш имкониятига эга экан. Бундай имконияти борларнинг асосий қисми, яъни 90 фоизи ривожланган мамлакатларга тўғри келмоқда.

Интернет тармоғининг аҳоли орасида оммавийлашиш даражаси мобил телефонларига нисбатан жуда паст экан. Биргина Африканинг ўзида 2004 йилда мобил телефонларидан фойдаланувчиларнинг сони 15 миллионга ошган, бу 1999 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар юқоридир.

Калифорнияда бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ривожлантириш глобал альянси учрашувида «Интернетга боғланиш баҳосининг қимматлиги унинг ривожига тўсиқ бўлмоқда», деган фикр илгари сурилди.

ЯШИРИН КАМЕРАЛАР

Мадрид маъмурияти шаҳардаги болалар боғчаларига яширин кузатув камералари ўрнатиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Маъмуриятнинг маориф бўйича маслаҳатчиси Луис Пералнинг айтишича, яқинда Испания телевидениесида намойиш этилган бир воқелик бунга сабаб бўлди.

Гап шундаки, телевидение мухбирлари хусусий болалар боғчаларидан бирида болалар қандай калтакланиши ва қийноқларга солинишини яширин камера орқали суратга туширишга муваффақ бўлишган. Бунинг намойиши эса маъмуриятни янги чоралар кўришга мажбур этди.

Акциядорлик тижорат

«Пахта банк»

ўз акциядорлари, мижозлари ва барча юртдошларимизни

Наврўз айёми

билан самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган «Химоя» ва «Талаба» жамғарма омонат турларини таклиф қиламиз. Ушбу омонат турларининг сақлаш муддати 6 ой ҳамда 1 йил бўлиб, йиллик 18 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

Омонатингизни кафолатли асраймиз ва кўпайтирамиз! «Пахта банк»нинг исталган филиалига мурожаат қилинг ва даромадингизни кўпайтиринг! Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта банк» Фаровонлигингиз калитидир!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
4К-883в «Янгиқадам қишлоғига шохобча» 1 км.даги кўприкларни таъминлаш. «ҚМИ»га
Қурилиш муддати — 9 ой.

Манзил: *Фарғона шаҳар, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.*

Қурилиш-монтаж ишлари Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: Кўприк қуриш ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

●●●

Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази

«Голос Узбекистана» рўзномасининг 2007 йил 16 март сонида чоп этилган эълондаги «молиялаштириш манбаи мактаб таълими фонди» сўзлари «Республика болалар спортини ривожлантириш фонди» деб ўқилишини маълум қилади.

❖ Туйғу

БОЛАЛИГИМ НАВРЎЗИ

Қуёш нурлари ҳам бугун қалб қўрини очиб, чақалоқ Наврўзойнинг дунёга келиши — Янги куннинг туғилишига бор бисотини тўкиб солганча ер юзидаги барча мавжудотларни қутлаётгандек. Афсоналарда айтилишича, Дев билан унинг ёрдамчиси Ларзон момо қанча уринишмасин, совуқ нафасларини еру заминга сочишмасин, Баҳоройнинг кўзи ёриб, Наврўзойнинг дунёга келишига халақит бера олишмаган экан.

Қаранг-а, Наврўзойнинг тимсоли — гўдак экан. Ана шу болаликнинг беғуборлиги эса бутун байрамни қамраб олган.

Катталар ҳам ушбу кунда худди болалардек ойдин, пок, оппоқ тилаклар гирдобида. Орасидан гап қочганлар гина-кудуратларни унутиб, бир-бири билан яна дўстлашишади. Худди беғубор қалб — эгалари болакайлар бир-бирининг жимжилоғини ўтказиб: «Қиличми, тўқмоқми? — Тўқмоқ! Тўқсон йилгача ўрток», деяётгандек. Узоқда акс-садо берган бу сўзлар эса тўқсон эмас «эҳсон», «инсон», «ишонч», «иймон», «эсон», «омон» деб янграётгандек.

Бу сўзлар гўё Наврўзга, унинг бокира кўзларига ва изларига ишон ва умид боғла деяётгандек. Худди сумалакка ташлаш учун барча жонзотлардан тилак йиғиб юрган қизалоққа ўхшаб: Эй, ранго-ранг капалак! Сенда борми, айт тилак! — дея сўраётгандек.

Капалак эса чаманзорлар узра қанотларини ёзиб учиб жавоб беради: «Учратмасин ёмонга, атроф тўлсин чаманга.»

Тилагинг айтгин, тойчоқ! У эса дикир-дикир сакраб дейди: «Сакраб ўйнайин қувноқ».

Наврўз бизларга гўё: «атрофингизга яна бир бор разм солинг», деяётгандек. Кимда яна қандай тилаклар қолиб кетди? Уларнинг барчасини йиғиб кела олдингизми? Ёнингизда бир умр юрган инсонларнинг орзу-тилаги ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз? Балки уларни амалга ошириш учун қўлингиздан келган ёрдамни берарсиз. Сизнинг бу саховатингиз эса қайсидир ўксик қалбни ёритар, унда ўчиб бораётган учқунларни яна порлатар.

Болалар варрак учиришмоқда. Кимнингдир варраги баланд-баланд самоларда учмоқда, кимникидир пастроқ. Варрагининг думи узилиб кетган бир болакай ҳарчанд уринмасин, уни учиролмаяпти. Болакай ўксиниб турганда ёнига шўх ва қувноқ қизалоқ югуриб келади. У ўрилган сочидаги тасмани ечиб олади ва варракка боғлайди. Кейин эса улар варракни бирга учиришади. Қарангки, варрак жуда-жуда баландларга учади. Ҳамма варраклардан юқорироқ кўтарилади. Ана шу қизалоққа қараб хаёлимдан умид ва ишончларга тўла олам-олам тилаклар ўтади. Юртимиз осмонининг варраклари баландга, жуда-жуда баландга учиши керак. Бунинг учун эса ҳар биримизга эзгу фазилатлар ҳамиша ёр бўлиши лозим. Ана шу эзгу фазилатлар бизнинг миллатимизни миллат, давлатимизни давлат, бизни эса инсон даражасига кўтаради.

Сумалак атрофида ўтирган қизу-жувонлар, болалар уни яхши ниятлар айтиб ковлайдилар. «Юртимиз тинч бўлсин, ҳар бир хонадон хотиржам ҳаёт кечирсин», дейди катталар. Болалар эса айнан шу тилакларни бошқача ифода этишади. Уларга кўп-кўп қувонч, ширинлик, ўйинчоқ ва яна барча орзуларининг ушалмоғи керак. Аммо ана шу орзу-ниятлар асосида яна ўша тинч, хотиржам ҳаёт ва меҳнат ётади.

Наврўзнинг изларидан бойчечакдан бошланади. Уни эса болакайлар излаб топадилар. Демак, Наврўз асли болакайларнинг изларидан бошланади. Улар бойчечак айтиб уйма-уй юришади. Катталар ҳам бу кун болага айланишади. Қўлида бойчечак тутиб, ҳовлисига кирган болалардан орзулари ушалишини кутишади. Йиғилган қизу жувонлар арғимчоқ учиб, дарахтнинг энг баланд шохидаги урчиган баргни ушлаб олишга ҳаракат қилишади. Ўшанда ниятлари албатта ижобат бўлар экан.

Наврўзда бўй етган қизлар булоқдан кўзаларга сув олиб келиб, ичига узуқ, сирға, танга ташлашар экан. Кейин қўшиқлапарлар айтиб сувдан чиқариб олинган нишоналар бахт рамзи ҳисобланар экан.

Наврўз бойчечакдан бошланиб, сумалак, кўк сомса, ўйин-кулги, варраклар ва кўплаб тилаклар билан давом этади. Биз Наврўзни болалик тимсоли дедик. Чунки, болалик даври ҳаётнинг энг қувноқ, энг бахтли даври. Унга ҳамма яна қайтгиси келади. Худди жанубдан ўз юртига қайтаётган турналардек. Худди Наврўз куни экилган дарахт боласи — ниҳолдек. Болалик эса истиқбол дегани.

Истиқболли Наврўзинг муборак, азиз юртим!

Кавсар ТУРДИЕВА

❖ Тараддуд

БУХОРОДА НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Бухоро бугун байрам оғушида. Ҳар гўшада байрам шукуҳи, кўкаламзорлаштириш, сумалак сайли. Ёшу қари кўнглида яхши ниятлар, эзгу орзу-умидлар уйғотадиган палла — Наврўзга ташналиги шундоққина сезилиб турибди. Қадим шаҳарнинг қоқ марказидаги амфитеатрда байрам дастури бўйича тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек. Маҳаллаларда эса иш қизғин. Уфққа туташ яйловларни қўй-қўзилар овози тутган, чўпон отарида сумалак пишаяпти.

— Бу йил Наврўзга тайёргарлик анча олдин бошланди, — дейди вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва Маҳалла хайрия жамғармаси раиси Бебуд Жумаев, — шу боис анча ишлар амалга оширилди. Биргина Наврўзга бағишлаб ўтказилган хайрия ҳашари халқимизнинг кўкламни қанчалик соғинганидан далолатдир. Шу куни қарийб 130 минг киши ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари билан машғул бўлди. 1522,8 километр ариқ ва зовурлар, сув йўллари тартибга келтирилиб, 1398 та зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар тозаланди. 2149 гектар ободонлаштирилган майдонлар, хиёбону кўчалар атрофига 402270 туп манзарали ва 325 927 туп мевали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Боғ-роғларга шакл берилиб, 2824 та уй-жой ҳашар йўли билан таъмирланди. Муҳтожларга 78198,6 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

— Ҳазрат Навоийнинг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» деган мисралари бугун бухороликлар учун ҳаёт мазмунига айланган. Зеро, асрлар ўтса-да, замонлар ўзгарса-да, бу боқий байрамимиз ўз аҳамиятини йўқотмайди. Аксинча, мустақиллик йилларида у янада эъзоз топди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси Ориф Хўжаев. — Бунда мамлакатимиз раҳбарининг хизматлари беқиёсдир. Бевосита Юртбошимизнинг раҳнамолигида миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, Наврўзнинг шакл-шамойили, мазмуни янада бойиди. Шу боис халқимиз ҳар доим Наврўзнинг юртимизга тинчлик, қут-барака, тўкинлик ва фаровонлик олиб келишига умид боғлашади.

Дарвоқе, Наврўзга пешвоз чиққан вилоят деҳқонлари-ю, чорвадору фермерлари ҳозирданоқ қайноқ меҳнатга енг шимардилар. Табиатга, инсон руҳиятига илиқлик югурган бу кунларнинг таровати, шарофати бошқача.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Шукроналик

«ЯНГИ КУНЛАРДАН АЙЛАНАЙ»

ДЕЙДИ ДЕНОВЛИК 103 ЁШЛИ САТТОР БОБО ЭШҚОБИЛОВ

Сурхон эли ўзининг алпомишкелбат полвонлари, донг таратган чавандозу бахшилари билан машҳур. Бу ерда узоқ умр кўраётган пиру бадавлат онахону отахонлар ҳам кўп. Наврўз айёми арафасида сайилги чиққан Денов тумани, «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи, 103 баҳорни қаршилаётган Саттор бобо Эшқобилов бу кунларнинг яна халқимизга қайтганига шукрона айтади:

— Наврўз халқимизнинг кўп минг йиллик байрами. Бу янги кун, яшаришдан дарак. Янги кунлардан айланай. Мен ҳам бир яшарайин дедим. Юздан ошган бўлсам ҳам кўнглим ёшликни қумсайди. Олти нафар фарзандим, қиркдан ортиқ невара, ўн чевара, тўрт-беш эварам бор. Шу кунларга етказганига шукр. Қиш бўйи ётавериб зерикдим. Бугун бир адирлай, дегандим. Қаранг, атроф қандай чиройли. Кўриб ҳавасинг келади. Ҳамма хурсанд. Бир томонда ўйин-кулги, ҳов теппаликда кураш, этакдаги текисликда чавандозлар улоқ чопишаяпти. Бизлар бўлса бир чеккани олиб, гурунглашмоқчимиз. Одам тафтини одам олади-да.

— ***Чарчаб қолмайсизми?*** — сўраймиз Саттор бободан.

— Нималар деяпсиз... Анави полвонларга бир ҳунаримни кўрсатай, десам неваралар қўймайди. Ҳалиям кураш тушгим келади. Яқин-яқингача кетмон, ўроқ, белдаста ясардим. Чорва боқдим... Қадимгилар бежиз «чорва етти хазинанинг бири», дейишмаган. Сут-қатиқнинг саломатликка нафи катта. Ерталаб бир пиёла сутми, қатиқми ичиб ишга уринсанг, кун бўйи бардам юрасан. Айниқса, эрта баҳорнинг сути бошқача бўлади. Аммо ҳозирги аёллар сут-қатиқни эплашолмайди. Илгари ҳар бир уйда меш бўларди. Оқликнинг асл мазасини билмоқчи бўлсангиз, мешда сақланганидан тотиб кўринг.

— ***Ёшлик даврларингизда Наврўз қандай нишонланарди? Ўша пайтлардаги удумларни эслай оласизми?***

— Бир замонлар бўлдики, Наврўз тугул ота-боболардан қолган маросимларни ўтказганлар қувғин қилинди. Байрамимиз эсимиздан чиқай деб қолувди. Худога минг қатла шукр, Наврўзимиз яна қайтди.

Ёшлигимизда Наврўзни сайил, улоқ, кураш, хўроз, қўчқор уриштириш билан нишонлардик. Одамлар қир-адирларга чиқиб, дастурхон тузатарди. Гина-кудуратлар унутиларди. Миллий ўйинлар, алёру лапарлар айтиларди. Болалигимизда баҳорни чиллак, ошиқмошиқ ўйини билан бошлардик. Қизлар бештош, маккмак, дук-дук ўйнашарди.

Яна бир гапни айтай: совчиликка бориш учун ҳам Наврўз кунларини маъқул кўришган. Чунки шу кунларда ҳамма хушкайфиятда бўлиб, фақат яхшиликлар, эзгу ишлар бажарилган... Илоҳим, юртимиздан тўкинлик аримасин, тинчлик-фаровонлик, хотиржамлик халқимизга ёр бўлсин...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Тадбир

НУРОНИЙЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш учун «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда Наврўз байрами арафасида «Нуроний» шифохонасида хайрия тадбири ўтказди.

Мазкур тадбирда сўзга чиққан «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг раиси Ю.Шодиметов, «Нуроний» жамғармасининг раиси Э.Боқибоев, «Нуроний» шифохонасининг бош шифокори М.Ризаевалар таъкидлаганларидек, бундай хайрия тадбирлари анъанага кўра ҳар йили «Наврўз» айёми арафасида «Нуроний» шифохонасида ўтказилади. Ҳозирги кунда бу шифо масканида республикамизнинг турли вилоятларидан 169 нафар кексалар ўз соғлиқларини тикламоқда.

Маълумки, кейинги йилларда қарияларнинг соғлом умргузарон ҳаёт кечиришлари учун эътибор ортиб бормоқда. Бинобарин, уларнинг соғлиқларини сақлаш ва тиклаш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Чунки қарияларнинг ижтимоий турмушда фаол иштирок этиши уларнинг саломатликларига боғлиқдир.

Ушбу хайрия акцияси доирасида мазкур шифохонага 4,0 млн. сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди, шифохона кўрпа-тўшак ғилофлари билан тўлиқ таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар республикамизнинг барча минтақаларида ўтказилиши белгиланган. Жумладан «Ижтимоий ҳимоя йили»да «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан 3000 нафар нуронийга аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки жамоаси

республикамиз аҳолиси ва меҳмонлари, ўз акциядорлари, мижозлари ҳамда ҳамкорларини баҳор байрами – НАВРЎЗ айёми билан чин қалбдан табриклайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизга муваффақият, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилайди.
Наврўз байрами арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!» тамойилига амал қилиб, ўз мижозларига янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида мурожаатлар марказини (Call-марказ) ташкил қилди.
Call-марказнинг тажрибали операторлари банк хизматлари билан қизиқувчи барча шахсларга амалдаги хизмат турлари ва уларни тақдим қилиш шартлари бўйича мукаммал маълумотлар, тушунтиришлар ва маслаҳатлар берадилар.
Шу билан бирга «Ўзсаноатқурилишбанк» жисмоний шахслар учун 10 дақиқа давомида хорижий валютада яқин ва узоқ хорижга тез ва ишончли пул ўтказиш ҳамда жўнатилган пулларни қабул қилиш имконини берувчи «Migom» тезкор халқаро пул ўтказиш тизими бўйича реклама акциялари бошланганлигини эълон қилади.
Бундан ташқари, Сизларни миллий валютадаги «Ажойиб» муддатли омонатига бўш пул маблағларингизни банк филиалларининг барча жамғарма кассалари орқали қўйишингизни таклиф қиламиз.
Омонатни сақлаш муддати 3 ой. Фоиз даромади сақлаш муддати тугагандан сўнг тўланади. Омонатга қўйилган маблағ учун биринчи ойига йиллик 5 фоиз, иккинчи ойига йиллик 24 фоиз ва учинчи ойига йиллик 26 фоиз даромад ҳисобланади.

Сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин:
(99871) 113-15-15

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» — молия бозорида 85 йил Сиз билан!
ВАҚТ ДАВОМИДА СИНАЛГАН ИШОНЧ!
www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TRAST BANK

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини, ўз акциядорлари ва кўпсонли мижозлари, ҳамкорларини баҳор байрами

Наврўз айёми

билан самимий муборакбод этади.

Азиз юртдошлар!
«Трастбанк» байрам муносабати билан даромадларингизни кўпайтириш учун Сизларга миллий валютада қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

Омонат (депозит) номи	Омонат (депозит) тури	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Изоҳ
Талаб қилиб олинувчи	талаб қилиб олинувчи	муддатсиз	2%	100	йил охирида бир марта капитализация қилинади
«Фойдали»	муддатли	90 кун	17 %	300000	фоиз муддат ўтгач тўланади
«Яхши ният»	муддатли	30 кун	15%	100000	фоиз муддат ўтгач тўланади
«Шодлик»	муддатли	45 кун	17%	100000	фоиз муддат ўтгач тўланади
«Аъло»	муддатли	180 кун	18%	1000000	фоиз ҳар ойда тўланади

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Банкдаги омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири тўғрисида»ги Қонуни билан муҳофазаланади.
Мурожаат учун телефонлар: 144-56-06, 367-06-33, 360-23-63, 144-76-24.

Хизматлар лицензияланган

❖ Кўклам илҳомлари

КЎКСИДА БАҲОР КУЛГАЙ

ДАЛАЛАРДА ДЕҲҚОН КЎРИНДИ...

Сарсари шамоллар дамидан тўзиб,
Булутлар самода ҳарён суринди.
Еллардан титраган бўйнини чўзиб,
Ариқлар лабида майса кўринди.

Яна бутоқларда қушларнинг базми,
Ерда ҳам жамики жонзот ғимирлар.
Баҳор аталмиш бу фаслда, расми,
Яна бир гуркираб олар умрлар.

Уфқлар кўринар мовий, мусаффо,
Ел урар димоққа ялпиз тотларин.
Унут бўлиб кетар яйраб десанг «оҳ!»
Қишнинг рутубатли хотиралари!

Офтоб ҳам ғамзани ортиқча билиб,
Олтин қулгуларин тўкди заминга.
Деҳқон бўрсилдоқ ер тўшини тилиб,
Куйманар... дақиқа ғанимат унга!

Тупроқдан таралар майин, хуш нафас,
Ернинг нафаси бу, сирли ҳовур бу.
Ҳа, у орзуларин айтмоқда бесас,
Унинг армони бу, унсиз ғовур бу!

Эркаланиб ўзин димоққа урар,
Оҳиста сийпалиб ўтар манглайни.
Эҳ, бунинг тотини билганлар билар,
Буни далаларни севган англайди!

Буни англаганлар далада бу кун,
Барчасин эгнида пахталик. Оддий.
Гўё сезмагандай баҳорнинг кўркин
Экин дер, тикин дер, шу ўй ёди!

Улар — ер Луқмони, ернинг истагин
Айтиб беришолгай бир-бир, рўйи рост,
Ҳа-да, боболардан уларга абад
Меҳнату зукколик қолгандир мерос!

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН ДОИМ БОР БЎЛГАЙ

Саодатли ўлкамда
Кезар баҳор ифори,
Ҳумо қуши елкамда
Қадамларим залворли,
Йўлимиз ёруғ, ёрқин,
Гўзал келажак яқин!

Келди элим манглайи
Ярқираган замонлар.
Бизга ақл бўлмасин
Пусиб юрган нодонлар
Сокин дарё, тоғларим,
Завол кўрмас боғларим!

Ўзбекистон аталмиш
Норлар ичра нор юрт бу,
Бошида раҳнамоси —
Соябони бор юрт бу!
Ўзбекнинг ўзи боқий,
Жарангли сўзи боқий!

Дунё кўзи олдида
Ўзбек кўкрак кермоқда,
Бировлар бермас бахтни
Истиқлолим бермоқда!
Ўзбек доим бор бўлгай,
Кўксида баҳор кулгай!

КЕЛДИ КЎКЛАМ...

Келди кўклам юртимизга кўркини кўз-кўз қилиб,
Шод бўлинг, хуррам бўлинг, дўстлар, бу кун Наврўз қилиб.
Сумалак тўлган қозонлар теграсида жам бўлиб,
Шўх гурунг қурсин ёронлар кечани кундуз қилиб.
Нағмасоз, чертгил торингни куйга тўлсин еру кўк,
Сархуш айла ҳар кўнгилни «Ушшоқ»у «Феруз» қилиб.
Шўх келинлар давраларда дурраларин дол қўйиб,
Яйрасинлар, ўсмалардан қошларин қундуз қилиб.
Нозанин қизлар кўнгилга оташу тугён солиб,
Ошиғин ўтларда ёқсин кўзларин юлдуз қилиб.
Бу суюк айёмда ҳеч ким илтифотсиз бўлмасин,
Ҳеч киши ҳеч бир кишини кетмасин маъюс қилиб.
Кел, Охунжон, кўнглига ёққил чироқлар, Наврўзим
Шомларимни кундузу душманни менга дўст қилиб.

❖ Наврўз қўшиқлари

«ҚЎЙ ҲИСОБИ»

Халқимизнинг турмуш тарзи ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Ўзбек халқ тақвимига кўра, асосан икки хил вақт ҳисоби амаллари фаол қўлланилган бўлиб, «чорва ҳисоби» календари бўйича меҳнат мавсуми «деҳқон ҳисоби»дан 10 кун олдин бошланади. Чорванинг қишлов мавсумини якунлаб, баҳорги мавсумни бошлашда қатор ирим-сиримларга амал қилганлар.

Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Катта Баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар чўпон Зиёд Олтиевдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, эрта баҳорда чўпонлар сурувни яйловга олиб чиқишдан олдин кўтон-чолисининг олдига катта олов ёқишган. Эрта тонгда қўйларни кўтондан олиб чиқиб, ана шу гулхан атрофида айлантириб, чўпон таёғини ҳам шу оловга тегизиб, уч марта «ялатиб» олганлар. Бу удум *«таёқ қизартирар»* дейилган. Шундай қилинса, йил бўйи сурувга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди деб ўйлаганлар. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғида яшовчи Бобораҳмат Жумаевнинг айтишича, «қўйлар ҳут ойида яйловга олиб чиқилади ва қишда янтоқ яхлаганидан сўнг қишки қишловга қайтариб олиб келинади».

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида қайд қилинган анъанага кўра, сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришдан олдин чорвадорлар пири «Чўпон ота»нинг ҳақига дуо ўқилади. Эртаси куни чўпон ҳамқишлоқларининг фотиҳасини олади-да, битта нонни синдириб белига бойлаб, қўйларни яйловга ҳайдаб кетади.

Қўйларни яйловга олиб чиқиладиган хосиятли кунни ҳисобдонлардан сўраб аниқлайдилар. Чунки чорва ҳисобини билмаган кишилар молларини чўлга ҳайдаб, яйловга чиққанлар ва натижада аямажуз, тўғал, аҳман-даҳман каби кунлар келиб қолиб бемаҳал яйловга чиқарилган чорваларидан айрилиб қолган. Тажрибали чўпон ана шу кунларни ўтказиб, кейин яйловга чиқиб кетиши керак бўлган. Бойсун туманидаги Кўктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, чўпонлар чоршанба ва пайшанбани ирим кўрмайдилар. Жумани улуғ кун деб биладилар. Шунинг учун ҳам «чорва ҳисоби»ни биладиган кишилар кўтон бузиш муддатини кўпинча чоршанба кунига белгилаганлар. Чунки чоршанбани баракали кун деб билишган.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Эски маҳалла қишлоғида яшовчи чўпон 1926 йилда туғилган Исмат Раҳмонқуловдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, «чорва ҳисоби» 10 мартдан, яъни аямажуз, аҳман-даҳман, хезим-хирмон кунлари ўтгандан кейин бошланади. «Чорва ҳисоби»нинг боши «Кўтон бузиш» деб аталади. Бу баҳорда тоққа, яйловга кўчиш деган маънони англатган. Кекса чўпонлар «эрта баҳорда йилқилар бир-иккита қулунлагандан кейин чўрчикал деган қуш келади» дейдилар. *Чўрчикал* — бургутдан катта, бошининг тепасида озроқ жойи патсиз бўлган бир қушнинг номи. Чўпонлар бу қушни *«ҳисобчўт»* дейишади. Улар бу қушни кўргач, «чўрчикал келди, энди кўтонларни бузиб, яйловга чиқаверса бўлади. Бундан кейин қор, ёмғир, аёзли кунлар хавф солмайди» дейдилар. Чунки бу қуш келган вақтда ернинг иссиғи бетига кўтарилганлиги учун ёққан қор кўп турмай, эриб кетади».

Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда *«наврўз чумчуқ»* деб аталувчи қушнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига эътибор беришган: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади, деб таъбир қилишган.

Тажрибали чўпонлар ўз таёқларини мўътабар деб билганлар. Чўпон таёғининг устидан ҳатлаб ўтиш мумкин бўлмаган, чунки ҳатлаб ўтган одам шу таёқдай қурийди деб ирим қилишган. Ҳар йили Наврўз байрамида кекса чўпонлар ўз шогирдларига таёқларини топширишган. Бойсунлик Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, «чўпон таёғининг ирими бўлади. Ирими шуки, унинг устидан ҳеч бир инсон ҳатлаб ўтмайди. Уйнинг ёнида бир ип бўлади, таёқни шу ерга тиқиб қўяди. У ерга ҳеч ким бормайдиям, уни ҳеч ким олмайдиям, тегмайдиям», деб ўйлайдилар.

Ўзбек халқ тақвимининг қадимий ва анъанавий турларидан бири ҳисобланган «чорва ҳисоби» ўз ичига чорвани эрта баҳорда биринчи марта яйловга олиб чиқиш, «кўтон бузиш», тўл олиш, яйлов алмаштириш, «қирқим», яъни қўйларнинг жунини олиш, кўчқор қўшиш, кузда яйловдан (тоғ ва тоғолди туманларида) тушиш, қишловга қайтиш каби муддатларни ўз ичига олади.

(Давоми бор.)

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор



ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

❖ Спорт

«ЧАВАНДОЗ МАЛИКАЛАР» МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимиздаги Республика от спорти мактабида қизлар ўртасида Наврўзга бағишлаб «Чавандоз маликалар» мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳри, Навоий, Сурхондарё, Наманган, Бухоро ва пойтахт вилоятларидан ташриф буюрган эллик нафарга яқин иштирокчи от йўрттириш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш мақсадида ташкил этилган мусобақада икки (11-15, 16-18) ёш гуруҳи ҳамда «Кичик совға учун» дастурлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

— Очиғи, баҳслар бу қадар кескин ва қизиқарли ўтади, деб ўйламагандим, — дейди мусобақа иштирокчиси, тошкентлик Раиса Раҳматуллаева. — Айниқса, Навоий, Сурхондарё вилоятлари чавандоз қизларининг маҳорати мени тўлқинлантириб юборди. Агар бу каби мусобақалар тез-тез ўтказиб турилса, мамлакатимиз қизлари орасидан от спорти бўйича яна кўплаб номдор спортчилар етишиб чиқади.

Мусобақа халқаро тоифадаги спорт устаси Анна Лисяк, спорт усталигига номзодлар Феруза Абдуллаева, Яна Павлива сингари моҳир спортчилар учун апрель ойида Ҳиндистонда бўладиган халқаро турнир ва Алматида ўтказиладиган жаҳон кубоги баҳслари олдидан эса тайёргарлик, қолганлар учун эса маҳорат мактаби вазифасини ўтаганлиги, шубҳасиз.

Малоҳат РАҲМОНОВА





Суратларда: *мусобақадан лавҳалар.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

❖ Наврўз удумлари

ДУО

Гулсумби момонинг ёши улуғлиги учун ўрни ҳамиша тўрда. Равонга тузалган дастурхон атрофи хотин-қизлар билан тўла. Аммо, момонинг икки ёни бўш. Даврага тўқсон ёшлардан ошган бувилар келиб қўшилдилар. Улар ҳам тўрга олинди. Бироқ момоларнинг эгнидаги кенгу мўл тикилган камзуллар ўнгари бир-бирига тегмади.

Наврўз баҳона йиғилишганлар ўёқ буёқдан гаплашишди. Ўтганлар бирма-бир хотирланди. Шу пайт пойгакдагилар қўзғалиб қолишди: равонга «қирқи» (қирқ кунлик чилла) чиққан гўдагини бағрига босиб икки келин кирди. Ўғил чақалоқли аёл Гулсумби момонинг ўнг, қиз чақалоқлиси эса чап томонига ўтиришди. Момо гўдакларга узоқ умр, ризқу баракот тилаб дуо қилди. Ёши улуғларнинг айтишича, бу кунда қилинган эзгу тилакларнинг барчаси ижобат бўларкан.

Наманганнинг олис қишлоқларида ҳозиргача шунга ўхшаш удумлар сақланиб келмоқда.

ЧАНГОЛИ

Ҳунармандлар юрти Чустда Ҳисорак деган катта бир қишлоқ бор. Ғайрат, Дуоба қишлоқлари ҳам унга туташиб кетган. Икки томонидан шарқироқ сой ўтган Дуобада миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўҳна намуналари сақланиб келмоқда. Хусусан, Наврўз таомларидан бири ҳисобланган чанголи тайёрлаш Наманган вилоятида эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам кам учрайди.

Одатда пазандачилик ҳадисини олганларга ҳам «қўли гул» деган таъриф берилади. Шу қишлоқлик Гулсумби, Ҳабиба ва Соттибу момоларнинг айтишларича, чанголи ҳам худди сумалак каби ўзига хос тартибларда тайёрланади. Ёғочдан ясалган пешхон устида буғдой ундирилиб, майсаси яшил тус олгач, бўлакларга бўлинади. Уни янчиб, сувига ун қорилади. Тайёр бўлган хамирни бир чангалдан узиб, зувала ясалади. Чанголи — чангал сўзига монанд қўл ва бармоқлар билан тайёрланади. Қозонга ёғ солиб қиздирилгач, чанголилар бирма-бир пишириб олинади. Уни пишириш жараёнида зувалалар ўз-ўзидан бўлиниб, ейиш учун қулай шаклга киради.

Мазаси ширин, тўйимли бу таом, Наврўзнинг ўзига хос неъмати ҳисобланган. Қолаверса, у ҳолсиз, камқон кишиларга кони фойда. Чанголининг яна бир хусусияти — уни тайёрлаш жараёнида илдиз ва майсадан чиққан чиқит ҳайвонлар учун озуқа, супрадаги урвоқлари қушларга, ҳатто қурт-қумурсқалар учун бир чимдимдан ажратилади. Бу эса табиатда жамики тирик жонзотга меҳр кўрсатиш, оқибат давомийлигига ишора.

Дуобалик қизалоқлар эса бу таомга атаб қўшиқ ҳам куйлашади:

Чанголи-ё, чанголи,
Танга мадор, шифоли.
Қумурсқадан қушгача —
Тотийди, йўқ уволи...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ тайёрлади

РУНИ УЙЛАНМОҚЧИ

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби ҳамда мамлакат терма жамоаси футболчиси Уэйн Руни уйланмоқчи эканини «Санди Таймс» газетасида баён қилди. Унда ёзилишича, Руни билан келин Колин Маклохлин ўртасидаги никоҳ 2008 йилнинг ёзида Европа чемпионати якунланганидан кейин ўтказилар экан.

Яқинда бу бахтли жуфтлик бўлажак тўйларини ёритишга қарор қилган юлдузлар ҳаёти ҳақидаги «Hello!» журнали билан келишиб олишди. Журнал тантанавор тўйни ёритиш учун келин-куёвга 1,5 миллион фунт стерлинг берар экан. «Бу сумма ниҳоятда катта бўлиб, — деб ёзади газета, — юлдузлар ҳаётини ёритувчи журнал бу яқин ўртада тўйлар учун бунақа катта сармоя сарфламаган эди. Маълум бўлишича, журналнинг тўлови ҳатто Дэвид Бекхэм билан унинг рафиқаси Виктория ҳамда актёрлар Кэтрин Зите-Жонс билан Майкл Дугласларга тўланган сармоядан ҳам кўпроқ экан». Қизиғи шундаки, журнал Руни қаллиғининг шу йил март охирида балоғат ёшига етганлигини ҳам ёритмоқчи. Эслатамиз, 21 ёшли Руни Англиядаги энг кўп ҳақ тўланадиган футболчилардан бири саналади. У «Манчестер-Юнайтед» билан тузилган шартнома бўйича ҳафтасига 100 минг фунт, шунингдек, кўплаб рекламачилар билан келишувга мувофиқ миллионлаб даромад олар экан.

ГОЛЛАР ВА ОЧКОЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоалари иккинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Дастлабки турда Фарғонада «Нефтчи» жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган «Насаф» (Қарши) футболчилари бу гал ўз мухлисларини хурсанд этишди. Олий лига дебютанти «Вобкент» жамоаси билан куч синашган қаршиликлар мавсумдаги илк йирик ҳисобдаги ғалабасини нишонлашди — 4:1.

«Андижон-ЎзДЭУавто» — «Нефтчи» жамоалари учрашувида Анвар Бердиев томонидан киритилган ягона тўп фарғоналикларга навбатдаги уч очкони туҳфа этди. Кўпчилик Тошкентда ўтган «Пахтакор» — «Трактор» жамоалари ўйини йирик ҳисобда якунланишини тахмин қилганди. Аммо учрашувнинг 80-дақиқасигача таблода 0:0 ҳисоби сақланиб турди. Фақат сўнгги дақиқаларда қулай стандарт вазиятлардан унумли фойдаланган пахтакорчи Анвар Солиев ҳамда Сервер Жепаровлар ўз жамоаси ғалабасини таъминлашди — 2:0.

Ушбу турнинг қолган баҳслари эса қуйидагича ниҳоясига етди: «Навбаҳор-Н» — «Қизилқум-Олтин» — 1:2, «Бухоро» — «Машъал» — 0:1, «Тўпаланг» — «Металлург» — 2:0, «Қурувчи» — «Локомотив» — 3:1, «Шўртан» — «Самарқанд-Д» — 4:2.

3-тур учрашувлари 31 март — 2 апрель кунлари бўлиб ўтади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda